

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАИСМАТОВ САЙФУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

**ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СИФАТИНИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ, БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕКШИРУВЛАР**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетик станциялар, тизимлар. Электротехник
комплекслар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Шаисматов Сайфулла Эргашевич

Электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш усуллари,
бошқарув тизимлари алгоритмлари ва экспериментал текширувлар..... 3

Шаисматов Сайфулла Эргашевич

Методы, алгоритмы и экспериментальные исследования систем
управления качеством электроэнергии в электрических сетях..... 25

Shaismatov Sayfulla Ergashevich

Methods, algorithms and experimental studies of power quality
control systems in electrical networks 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАИСМАТОВ САЙФУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

**ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СИФАТИНИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ, БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕКШИРУВЛАР**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетик станциялар, тизимлар. Электротехник
комплекслар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T923-сон билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент Давлат Техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdfu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аллаев Қаҳрамон Раҳимович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оponentлар:

Гайилов Тулкин Шерназарович
техника фанлари доктори, профессор

Сытдыков Рашид Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йул мухандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва "Илмий-техника маркази" МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03-рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» 12 соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2). Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail:tstu_info@tdfu.uz.

Диссертация билан Тошкент Давлат Техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиб чиқиш мумкин (69-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2). Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» 12 да тарқатилди.
(2018 йил «14» 12 даги 12-сон тарқатиш баённомаси).



[Signature]

Р.А. Захидов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор, академик

[Signature]
О.Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., к.и.х

[Signature]
М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда электр энергия сифатини аниқлаш, бошқариш ва йўқотишларни пасайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунё миқёсида «учинчи ва бешинчи гармоника токи бўйича гармоник таркиб даражаси айрим ҳолатларда 20%дан юқори бўлади, бу эса тармоқлардаги йўқотишларни кўпайтиради. Кўп миқдорли маиший электрон ускуналардан фойдаланиладиган жойлардаги юкланишлар учун юқори гармоникаларнинг энг юқори даражаси хосдир¹». Шу билан бирга жахонда электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини бошқаришга, шу жумладан юқори гармоникаларни камайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жахонда тақсимловчи электр тармоқларида гармоникаларни тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, электр тармоқлар қисмларидаги юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган қўшимча йўқотишларни ҳисоблаш усулларини яратиш, ночизиқ юкламали тақсимловчи электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш, техник воситалар – актив ва пасив филтрларни такомиллаштириш, электр тармоқларида электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини ўлчаш қурилмаларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жihatдан «Малика-01» қурилмани юқори гармоникаларни ўлчаш имконини берувчи блок ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган энергетикани сифат жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли электр тармоқларида электр энергияни ҳисобга олишда муайян ютуқларга эришилди, шу жумладан, электр энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг самарали автоматлаштирилган тизими яратилмоқда. Шу билан бирга, электр тармоқларида электр энергиянинг сифатини ошириш ва йўқотишларни пасайтириш қурилмаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида асосий вазифалар орасида қуйидагилар қайд этилган, жумладан «янги электр ишлаб чиқарувчи қувватларни қуриш ва амалдаги қувватларни замонавийлаштириш асосида аҳолининг электр энергия билан таъминланишини яхшилаш, паст вольтли электр тармоқларини ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек аҳолининг бошқа ёнилғи-энергетик ресурслари билан таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажарилишида, шу жумладан тақсимловчи электр тармоқларида

¹De Lima Tostes M., Bezerra U., Silva R. Impacts over distribution grid from the adoption of distributed harmonic filters on low-voltage customers // IEEE transactions on Power delivery. – 2005. – Vol. 20. – No. 1. – P. 384–389.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги №ПҚ-4947 «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида».

кучланиш ва тоқларнинг юқори гармоникаларини аниқлаш ва баргараф қилиш қурилмаларини яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йиллар даврида паст вольтли электр тармоқларини янада замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича дастур тўғрисида»ги ПҚ-2661-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги «2011-2015 йилларда паст вольтли электр тармоқларини замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича дастур тўғрисида»ги 294-сон Қарорларини, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган: II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр тармоқларида электр энергия сифатини аниқлаш ва бошқаришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Technical University of Imenau (Германия), Tokyo technology institute (Япония), University of Cantabria (Испания), Polytechnic University of Milan (Италия), University of Canterbury (Янги Зеландия), Электродинамика институти (Украина), НИУ «Москва энергетика институти» (Россия), шунингдек Ўзбекистондаги: «Илмий-техника маркази» МЧЖ ва «Ўзбекистон энергия маркази», Тошкент ДТУ ва бошқа таълим муассасаларида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

В.А. Веников, Н.А. Мельников, И.В. Жежеленко, В.И. Идельчик, С.Ю. Гамазин, Ю.С. Железко, И.И. Карташев, В.Н. Тульский каби машҳур олимлар, шунингдек Х.Ф. Фазилов, Ж.А. Абдуллаев, Т.Х. Насиров, К.Р. Аллаев, А.А. Хошимов, Т.М. Кодиров, Т.Ш. Гайибов, Ф.А. Хошимов каби маҳаллий олимлар электр тармоқларида электр таъминоти самарадорлигини ошириш, электр энергия йўқотилишларини пасайтиришдан иборат илмий муаммоларни ҳал қилишда катта ҳисса қўшдилар. Таксимловчи электр тармоқлардаги юқори гармоникалар таъсирида электр энергия йўқотилишларини пасайтириш ва сифатини яхшилаш муаммосига бағишланган тадқиқотлар ушбу тармоқлар иш режимларини бошқариш вазифаларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ.

А.К. Шидловский, В.Г. Кузнецов, В.А. Агунов, Х. Акаги, Дж. Арриллага, Л.А. Моран, К.В. Кумару, С.П. Литран каби машҳур чет эллик муаллифларнинг илмий ишлари электр энергия сифатини бошқаришнинг самарали усулларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга бағишланган. Аммо етарли даражада ўрганилмаган. Сезиларли ютуқларга қарамай, юқори гармоникалар таркиби пайдо бўлганда электр энергия сифатини бошқаришнинг ишлаб чиқилган янги

усулларини такомиллаштириш ва янги самарали усулларини яратиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Мазкур илмий иш юқори гармоникалар таъсирида йўқотишлар пайдо бўлишини таҳлил қилиш асосида электр энергия сифатини бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга, шунингдек тақсимловчи электр тармоқларида электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини ўлчаш қурилмаларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-техник тадқиқот ишлари режасининг (2018-2020), ОТ-Атех-2018-370 «Электр тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш учун кўп функционалли қурилмани тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш», шунингдек 9/15-сон «0,4 кВ тақсимловчи электр тармоқларида электр энергия сифатини таъминлаш усуллари, дастурий ва аппарат воситаларини ишлаб чиқиш» илмий-техник тадқиқоти (2015 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади замонавий электр тармоқларида гармоника таркибларини тажрибалар утказиш орқали электр энергия сифатини бошқариш усуллари ва алгоритмларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Электр тармоқларида юқори гармоника таркибларини тадқиқ қилишнинг замонавий усулларини таҳлил қилиш;

Тақсимловчи электр тармоқларида гармоникалар тадқиқот усулларини мукамаллаштириш;

Электр тармоғи қисмларидаги юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган қўшимча йўқотишларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

Юқори гармоникаларни фильтрациялаш ва компенсациялаш замонавий техник воситаларини таҳлил қилиш;

Тақсимловчи электр тармоқларида тоқлар ва кучланишларнинг юқори гармоникаларини экспериментал текшириш;

Юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда, «Malika-01» ўлчагичининг функционал имкониятларини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 0,4 кВ тақсимловчи электр тармоқлари ва улардаги йўқотишлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тақсимловчи электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш ва юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган қўшимча йўқотишларни ҳисоблаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида белгиланган вазифаларни ҳал қилишда назарий электротехниканинг асосий қоидалари, электр тармоқлари ва тизимлари назариялари, электр занжирларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари математик аппарати, математик элементлар жадвали (матрица) асосидаги таҳлил, актив ва пассив RLC-занжирлари назарияси, шунингдек гармоник таҳлилдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир фазали ва уч фазали электр тармоқларида юқори гармоникалар аниқланиши тугунли тенгламалар асосида такомиллаштирилган;

электр тармоғи қисмларидаги кўшимча йўқотишларни баҳолаш алгоритми юқори гармоникалар таъсиридаги пайдо бўладиган реактив қувватни ифодаловчи боғланишлар асосида такомиллаштирилган;

ночизиқ юкламали электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш усули актив ва пассив филтрлар асосида такомиллаштирилган;

юқори гармоника таркиблари тартибини Фурье дискрет ва тез ўзгаришлар усуллари асосида ҳисоблаш алгоритми ва дастури такомиллаштирилган ҳамда уларнинг қийматлари аниқланган;

“Malika-01” электр ўлчагичи учун Фурье дискрет ва тез ўзгаришлар усуллари асосида юқори гармоникалар ва реактив қувватни ҳисобга олувчи кўшимча блок ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

юқори гармоникаларни фильтрациялаш ва компенсациялаш замонавий воситаларидан фойдаланилган ҳолда, таъминловчи тармоқларда талаб қилинган электр энергия сифатини таъминлайдиган электр энергия сифатини бошқариш усули ишлаб чиқилган;

электр тармоқларида электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини ўлчаш учун мўлжалланган «Malika-01» қурилмаси Фурье дискрет ва тез ўзгаришларни ҳисоблаб чиқиш усулларида фойдаланилган ҳолда юқори гармоника таркибларини ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган дастурли микропроцессорли блок қўшилган ҳолда такомиллаштирилди.

Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электротехниканинг фундаментал қонунларига, электр тармоқлари ва тизимлари назарияларига асосланади, шунингдек назарий ва экспериментал ҳисоблашнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фурье дискрет ва тез ўзгаришларни ҳисоблаб чиқиш усуллари қўлланган ҳолда ноцизиқли ва носимметрик юкланишларни ўз ичига олган электр тармоқларида электр энергиянинг сифат кўрсаткичлари тадқиқотлари билан тавсифланади.

Мазкур иш натижаларининг амалий аҳамияти юқори гармоникаларни фильтрациялаш ва компенсациялаш замонавий воситаларидан фойдаланилган ҳолда электр энергия сифатини бошқариш усули ишлаб чиқилганлиги ва электр тармоқларида электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини ўлчаш учун мўлжалланган «Malika-01» қурилмаси такомиллаштирилганлигидан иборат бўлиб, бу юқори гармоникалар оқибатида йўқотишларни пасайтириш бўйича чоралар кўриш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш бўйича таклиф қилинган усуллар, алгоритмлар ва экспериментал натижалар асосида:

электр тармоғи қисмларида юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган кўшимча йўқотишларни баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган усул, юқори функционал имкониятларга эга ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган «Malika-01» ўлчаш воситаси «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарида, шу жумладан Тошкент шаҳар электр тармоқлар корхоналарида татбиқ қилинган

(«Ўзбекэнерго» АЖ 2018 йил 03 декабрдаги РМ–01–21/6845-сон маълумотномаси). Натижада носимметрик режимларда юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган қўшимча йўқотишларни аниқлаш ва 2-3%га камайтириш имконини берди;

юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда реактив қувват йўқотилишлари ҳисоблаш алгоритми асосида ишлайдиган 05.13919-2018-сон «Malika-01» ўлчаш воситасини «Ўзстандарт» агентлиги томонидан метрологик аттестацияси ўтказилган («Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 1608-сон маълумотномаси). Натижада юқори гармоникаларни таҳлил қилиш имкони пайдо бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 2 та халқаро конференцияда ва 3 та Республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, чет эл нашрларида 3 та мақола, Республика журналларида 8 та мақола, 1 та монография чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг фойдали модель учун 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги асосланади, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинади, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга татбиқ қилиниши, шунингдек эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг “**Электр энергия сифати бўйича муаммоларнинг замонавий ҳолати**” деб номланган биринчи боби ўрнатилган режимларни ҳисоблаш усулларини таҳлил қилишга ва турли мураккабликдаги электр тармоқларида юқори гармоникалар пайдо бўлишини тадқиқ қилишга бағишланган. Электр тизимларнинг носимметрик режимларини тадқиқ қилиш: узел кучланишларини мувозанатлашнинг фундаментал усуллари, симметрик таркиблар усули, шунингдек электр тармоқларда тоқлар ва кучланишларнинг юқори гармоникалари таркибини аниқлаш учун Фурье дискрет ва тез ўзгаришларни ҳисоблаб чиқиш усулларининг назарий асослари келтирилган.

Замонавий электр энергетика тизимларида барча саноат тармоқлари, шунингдек бошқа электр энергия истеъмолчилари томонидан кучли тоқда ишлайдиган электрон ускуналар жадал ишлатилиши туфайли ночизиқли юкланишлар ёйилишининг узлуксиз ўсиб бориши кузатилмоқда. Бундай курилмалар паст фойдаланиш харажатларида оптимал унумдорликни

Уч фазали сифатли электр энергия билан таъминотни ривожлантириш ахборот тайёрлаш ва натижаларни акс эттиришда катта кучланишларни талаб қилади.



2-расм. Уч фазали электр тармоғида юқори гармоникаларни тадқиқ қилиш таркибий схемаси

1 ва 2-расмларда келтирилган таркибларга асосланган электр тармоқларида юқори гармоникалар таркибларини ҳисоблаш усулларида “Malika-01” электр энергия сифат кўрсаткичларини ўлчаш воситалари учун алгоритмлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Фильтрлардан фойдаланиш электр тармоқларида юқори гармоникаларни пасайтиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Мазкур ишда мавжуд фильтрларнинг пасив, актив ва гибрид турлари таҳлил қилинган. Бунда пасив фильтрлар 3- ва 5-гармоникани босиш учун қўлланиши мумкин, қолган тоқ гармоникаларни босиш (компенсациялаш) учун эса актив фильтрлар қўлланади.

Диссертациянинг **“Юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган йўқотишларни ҳисоблаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида электр энергиянинг сифат кўрсаткичларини замонавий ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда реактив қувват йўқотилишларини ҳисоблаш алгоритмлари тақдим этилган.

Ночизикли вольт-ампер тавсифли электроприемниклар синусоидал шаклдан жиддий фарқ қиладиган сарфланадиган токни бузиб кўрсатади. Носинусоидал токнинг электр тармоғи қисмлари бўйича ўтиши уларда ток эгри чизиғи гармоника таркиби билан аниқланадиган кучланишнинг қўшимча пасайишини юзага келтиради, айнан шу тармоқнинг у ёхуд бу нуктасидаги кучланишнинг синусоидал шакли бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади.

Эркин шаклдаги даврий токнинг фаол қуввати давр мобайнидаги ўртача қувват сифатида аниқланади:

$$P = \frac{1}{T} \int_0^T UI dt. \quad (1)$$

Ҳақиқатдан ҳам, агар кучланиш ва токнинг оний қийматлари тригонометрик ажралишлар шаклида ифодаланса, қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$P = \frac{1}{T} \int_0^T \left[\sum_{n=1}^{\infty} U_n \sin(n\omega t) \right] \left[\sum_{n=1}^{\infty} I_n \sin(n\omega t + \varphi_n) \right] dt. \quad (2)$$

Оний қийматлар ҳосил бўлишининг давр мобайнидаги ўртача қиймати турли частотали синусоид нолга тенг бўлиб, интеграллангандан сўнг:

$$P = \sum_{n=1}^{\infty} U_n I_n \cos \varphi_n = \sum_{n=1}^{\infty} P_n. \quad (3)$$

Ушбу ифодадан шундай муҳим хулоса қилиш керакки, носинусоидал токнинг ўртача қуввати алоҳида гармоникалар ўртача қувватлари миқдорига тенг бўлади. Шундай қилиб, ифода (3) фаол қувват йўқотилишларини ҳар бир гармоника бўйича ҳам индивидуал, ҳам интеграл тарзда ҳисоблаб чиқиш имконини берган ҳолда шаклланган талабларга тўлиқ жавоб беради.

3-формула бўйича аниқланадиган фаол қувватдан ташқари, носинусоидал тоқлар ва кучланишлар режимида қуйидаги формула бўйича аниқланадиган Q реактив қувват ҳам иштирок қилади:

$$Q = \sum_{n=1}^n Q_n = \sum_{n=1}^n U_n I_n \sin \varphi_n. \quad (4)$$

Бироқ реактив қувват ҳисоблаб чиқиладиган тармоқ қисмида яна битта таркибий қувват – T бузиб кўрсатиладиган қувват “пайдо бўлади”:

$$T = \sqrt{\sum_{n \neq m} U_n^2 I_m^2 + U_m^2 I_n^2 - 2U_n U_m I_n I_m \cos(\varphi_n - \varphi_m)}. \quad (5)$$

Бузиб кўрсатиладиган қувват реактив қувватнинг қўшимча таркибий қисми ҳисобланади ва электр тармоғи юқори гармоникалари мавжудлиги билан белгиланади. Бузиб кўрсатиладиган қувватнинг физикавий моҳияти шундан иборатки, ночизиқли элемент мавжудлиги ток эгри чизигининг шундай деформациясига шароит яратадики, бунда кучланиш ва ток ўртасидаги фаза силжиши синусоидларга (ночизиқли элементсиз) эквивалент тарзда ошади, шунингдек ток шакли ўзгаради. Носинусоидал тоқлар тармоқ элементларида кучланишнинг синусоидлари бузилишини пайдо қилган ҳолда кучланишнинг носинусоидал пасайишини юзага келтиради.

Реактив қувват носинусоидал ўлчамларда қуйидагига тенг:

$$Q = \pm \frac{1}{2\pi} \oint i(u) du; \quad Q = \pm \frac{1}{2\pi} \oint u(i) di. \quad (6)$$

Реактив қувватнинг интеграл қийматлари айрим муайян частотага келтирилганда унинг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q = \sum_{n=1}^n \frac{\omega_n}{\omega_{\Pi}} Q_n, \quad (7)$$

бунда ω_n – гармоника частотаси, ω_{Π} – муайян келтириш частотаси. Бунда n тартибдаги гармоника учун:

$$Q = \sum_{n=1}^n nQ_n. \quad (8)$$

Мазкур ифодалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, алоҳида гармоникалар реактив қувватлари ноэквивалент бўлиб, улар частотасига пропорционал коэффициентли умумий реактив қувват билан ифодага киритилади.

Таркибида чизикли ва ночизикли элементлар мавжуд шохобланган занжирлар учун реактив қувват мувозанати қуйидаги ифода билан тавсифланади:

$$U_1 I_1 \sin \varphi_1 = \sum_{n=1}^n nQ_{(n)} + \sum_{n=1}^n n \Delta U_{S(n)} I_{(n)} \sin \varphi_{S(n)}, \quad (9)$$


бунда $U_1 I_1 \sin \varphi_1$ – таъминот манбаи реактив қуввати; $\sum_{n=1}^n nQ_{(n)}$ – ночизикли юкланиш реактив қуввати; $\sum_{n=1}^n n \Delta U_{S(n)} I_{(n)} \sin \varphi_{S(n)}$ – тармоқ элементларида реактив қувват йўқотилиши.

Ночизикли юкланиш реактив қувватини ва тармоқ элементларида реактив қувват йўқотилишини ҳисобга олиш имконини берадиган асосда (9) манбанинг реактив қувватини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Бу носимметрик кучланиш тизимли тармоқдан таъминланадиган бир қатор электроприемниклар ишлашида ўтувчи манбанинг реактив қувватини янада объектив баҳолаш имконини беради (3-расм).


Юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда реактив қувват йўқотилишларини ҳисоблаш алгоритмининг тақдим қилинган таркибий схемаси (3-расм) қуйидаги тарзда ишлайди. Олинган дастлабки маълумотлар бўйича тармоқ элементларида реактив қувват йўқотилиши аниқланади ва манбадан реактив қувват қиймати билан солиштирилади, агар ушбу қийматлар тенг бўлса, бунда ҳисоблаш тугатилади. Агар шарт бажарилмаса, бунда мавжуд гармоникалар билан ночизикли юкланиш реактив қуввати аниқланади ва тармоқ элементларида реактив қувват йўқотилишлари билан умумлаштирилади, сўнгра ушбу қийматлар манбадан реактив қувват қиймати билан солиштирилади. Агар ушбу қийматлар тенг бўлса, бунда ҳисоблаш тугатилади. Агар шарт бажарилмаса, бунда талаб қилинадиган мувозанат шартлари бажарилгунгача мавжуд гармоникалар билан ночизикли юкланиш реактив қуввати такроран аниқланади.

Муаллиф томонидан электр тизимида ток ва кучланишларнинг юқори гармоника таркибларини ҳисобга олиш учун замонавий микропроцессорли базада бажарилган “Malika-01” кўп функционалли қурилмаси модернизацияланган. 4-расмда тақдим қилинган РМ блоки ёрдамида юқори

гармоникалардан йўқотишларни ҳисобга олувчи реактив қувват йўқотилишларини ҳисоблаш алгоритми яратилган.



3-расм. Юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда реактив қувват йўқотилишларини ҳисоблаш таркибий схемаси



АЦП – кириш занжирлари блоки, СУ – бошқариш тизими (клавиатура), ЦП – марказий процессор; РМ – микропроцесор юқори гармоникалар ҳисобга олинган ҳолда реактив қувват йўқотилишлари ҳисобини бажаради.

4-расм. “Malika-01” қурилмасининг такомиллаштирилган тузилиши

Диссертациянинг “Электр энергиянинг сифат бошқарувини моделлаш” деб номланган учинчи бобида тасодифий юкланиш ўзгаришларидан носимметрик ва носинусоидал кучланишларда электр энергиянинг сифат бошқаруви усули ишлаб чиқилган.


Носимметрик ва носинусоидал кучланишларда электр энергия сифат бошқарувининг иккита усули мавжуд. Биринчи усул актив ва реактив қувватларнинг оний қийматларини аниқлашга асосланган, иккинчи усул эса уч фазага занжир қувватининг частота соҳасида Фурье ажралишини таҳлил қилишга асосланган.

Ишлаб чиқилган актив филтрани бошқариш усули манба тоқларини ҳисоблаб чиқишга қаратилади ва компенсацияланган манба тоқлари, юкланиш хусусиятига қарамай, манба кучланишига эга фазада ҳам синусоидал бўлишини талаб қилади. Ушбу усул ўзгартиргич тоқларига эмас, балки манба тоқларига қаратилади. Манбанинг фаза тоқи синусоидал номинал тоқдан кейин келиши $i_{m_a^*}$ ва фаол фаза асосий тоқининг фаза таркибига тенг бўлиши керак:

$$\left. \begin{aligned} i_{m_a^*} &= I_1 \sin(\omega t) \\ i_{m_b^*} &= I_1 \sin\left(\omega t - \frac{2\pi}{3}\right) \\ i_{m_c^*} &= I_1 \sin\left(\omega t + \frac{2\pi}{3}\right) \end{aligned} \right\} . \quad (10)$$

Агар манба кучланиши ёки юкланиш ҳолати ўзгарса, манба ва юкланиш ўртасидаги қувват мувозанати сақланмайди. Шу туфайли қувват фарқи конденсатор қуввати билан компенсацияланади. Бу номинал кучланишдан пастроқ конденсаторнинг ўртача кучланиши ўзгаришига олиб келади.


Бошқарув тизими кўп контурли тузилишдан фойдаланади. Ташқи контур ўзгармас ва ўзгарувчан тоқ контроллерларидан иборат. Ўзгармас тоқ контроллеридан таъминотни бошқариш ва кучланишни ростлаш учун фойдаланилади. Ўзгармас кучланиш контроллери манба тоқининг талаб қилинадиган амплитудасини шакллантиради $i_{m_a^*}$. 5-расмда кўрсатилган схемада $U_{\text{ўзгармас кучланиш}}$ ўзгармас тоқ кучланиши ўлчанади ва $U_{\text{ўзгарувчан тоқ ўзгарувчан тоқ манбаи кучланиши}}$ билан солиштирилади. Ўзгармас тоқ кучланиши ўлчанади ва ўзгарувчан тоқнинг гармоник таркиблари филтёрланади.



5-расм. Ўзгармас тоқ кучланишини бошқариш

Нобаланс ўлчами пропорционал интеграл (ПИ) регуляторга узатилади. ПИ-регулятордан чиқиш керакли тармоқ тоқига мувофиқ сифатида баҳоланади.

Агар ўзгармас ток бўғини конденсаторидаги кучланиш манба кучланишидан камроқ бўлса, бу манбадан узатиладиган амалдаги қувват юкланиш мувозанати учун етарли эмаслигини аниқлатади. Шундай қилиб, тармоқ токи ва тармоқдан узатиладиган амалдаги қувват юкланишдаги эҳтиёжни таъминлаш учун оширилади. Агар ўзгармас ток бўғини конденсаторидаги кучланиш манба кучланишидан кўпроқ бўлса, тармоқдан узатиладиган токни камайтириш талаб қилинади. Актив фильтр (АФ) орқали манбанинг компенсацияланган токи юкланиш тавсифлари ва тармоқ шароитларидан қатъи назар синусоидал ва симметрик бўлади.




6-расм. Ўзгарувчан ток контроллери

Манба токлари $i_{m_a^*}$, i_{m_a} эталон ток билан ўлчанади ва солиштирилади $i_{\text{эт.ток}}$ ҳамда нобаланслар асосида кенглик-импульс модулятори кучланиши алмашлаб уланиши шаклланади ($k = a, b, c$) (6-расм).

Электр энергия сифат бошқарувининг умумлаштирилган усули таклиф қилиниб, ундан актив филтрни танлаш учун фойдаланилади. Ушбу усул қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчидан, тизимнинг ички қаршилиги тўғрисида ахборот шаклланади, умумий уланиш нуқтаси белгиланади. Иккинчидан, юкланиш тури ва гармоникалар манбаи аниқланади, сўнгра актив филтър тизими топологияси танланади. Шундан сўнг тизим модели тузилади ва кучли актив филтър, алмашлаб улаш пульсациялари филтри, номинал энергияли хотира қурилмаси каби тизимнинг турли қисмлари, шунингдек кўрсаткичлар: алмашлаб улаш частотаси, филтър ўтказиш чизиғи ва ҳ.к. танланади. Вазиятга қараб, турли бошқарув усулидан фойдаланиш мумкин, бироқ бунда унга аниқлик киритиш талаб қилинади. Қувват оқими, юкланиш ва кучланиш токи гармоникалари тўғрисида тасаввурга эга бўлган ҳолда тизим модели тузилади (актив филтърсиз ва актив филтърли). Сўнгра танланган топологияга мувофиқ актив филтър танланади ва усул юқори гармоникаларни компенсациялаш орқали текширилади. Электр энергия сифат бошқаруви усулининг блок-схемаси 7-расмда келтирилган.




7-расм. Электр энергия сифат бошқаруви блок-схемаси

Юқори гармоникаларни таҳлил қилиш учун электр ёйли печь шаклида ночизик юкланишли тақсимловчи тармоқ модели тузилган. Ночизикли юкланиш электр энергия сифати билан боғлиқ муаммоларга олиб келади, ток ва кучланиш гармоникалари, шунингдек кучланиш фликери пайдо бўлади. Масалан, электр ёйли печь токнинг тоқ ва жуфт гармоникаларини ишлаб чиқаради. Ток гармоникалари тизимнинг ички қаршилиги билан ўзаро таъсирланиб, электр тармоғида кучланиш гармоникаларини ишлаб чиқаради. Ушбу ток ва кучланиш гармоникалари биргаликда тақсимловчи тармоққа уланган бошқа истеъмолчиларга таъсир кўрсатиши мумкин. Электр ёйли печь ҳам кучланиш фликери пайдо бўлиш манбаи ҳисобланади.


Мавжуд моделлар билан қабул қилинган электр тармоғидаги юқори гармоникаларни тадқиқ қилиш алгоритмлари ва моделлари тўғрилигини текшириш мақсадида қиёсий ҳисоблаш-экспериментал тадқиқотлар ўтказилган. 8-расмда Simulink/ MATLAB муҳитидан фойдаланиб уч фазали электр тармоғи моделини тузиш кўрсатилган.

8-расмда кўрсатилгандек, уч фазали таъминот манбаи модели 120° га сурилган учта бир фазали кучланиш (U_a , U_b ва U_c) манбаларини кўриб чиқиш орқали тузилади. Тизим қаршилиги ва электр ёйли печнинг ички қаршилиги фазалар учун учта элемент билан тақдим қилинган.


9 а ва б - расмда, тааллуқли равишда, мавжуд моделнинг ёйли ток гармоникалари спектрлари ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели кўрсатилган.



8-расм. Simulink/MATLAB да таклиф қилинган электр ёйли печь моделини тузиш



а – мавжуд модель
(Гармоникалар коэффиценти (%)
Гармоникалар тартиби)



б – таклиф қилинаётган электр ёйли
печь модели
(Гармоникалар коэффиценти (%)
Гармоникалар тартиби)

9-расм. Ток гармоникалари спектрлари


9-расмда ҳар икки моделнинг умумий гармоник бузилишлари ва кузатиладиган ёй токи деярли тенглигини кўриш мумкин (мавжуд модель учун 3,4% ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели учун 3,22%). 1-жадвалда мавжуд модель ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели ўртасида жорий гармоник таҳлилнинг солиштирилиши кўрсатилган. Шунингдек, ток гармоникаларнинг жуда кичик ўлчамлиги кузатилади, чунки электр ёйли печь ток гармоникаларни ишлаб чиқаради.

Ток ва кучланиш гармоникалари таҳлили


| Гармоникалар (%) | Ток бўйича | | Кучланиш бўйича | |
|-------------------------------------|---------------|--|-----------------|--|
| | Мавжуд модель | Таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели | Мавжуд модель | Таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели |
| | 117.5 | 120 | 305 | 288 |
| Токнинг умумий гармоник бузилишлари | 3.4 | 3.22 | 46.42 | 46.67 |
| 3- | - | - | 33.69 | 33.64 |
| 5- | 2.98 | 2.79 | 19.98 | 20.07 |
| 7- | 1.43 | 1.24 | 14.12 | 14.19 |
| 11- | 0.58 | 0.56 | 8.78 | 8.92 |
| 13- | 0.42 | 0.39 | 7.3 | 7.41 |
| 17- | 0.24 | 0.22 | 5.36 | 5.54 |
| 19- | 0.19 | 0.17 | 4.67 | 4.82 |
| 23- | 0.14 | 0.13 | 3.65 | 3.82 |
| 25- | 0.09 | 0.08 | 3.26 | 3.38 |

Ҳар бир гармоник тартибнинг гармоник бузилиши 1-жадвалда кўрсатилгандек асосий миқдордан % сифатида ифодаланади. Таклиф қилинган электр ёйли печь модели токнинг алоҳида гармоник таркибларини ишлаб чиқаради, улар амалда мавжуд маълумотларга ўлчам бўйича жуда яқин.

10 а ва б-расмда, тааллуқли равишда, мавжуд ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь моделининг ёйли кучланиш гармоник спектри кўрсатилган.



а – мавжуд модель
(Гармоникалар коэффициенти (%)
Гармоникалар тартиби)



б – таклиф қилинаётган электр ёйли
печь модели
(Гармоникалар коэффициенти (%)
Гармоникалар тартиби)

10-расм. Кучланиш гармоникалари спектрлари

10-расмда ҳар икки моделнинг ёйли кучланишларида кузатиладиган умумий гармоник бузилишлари деярли бир хиллигини қайд этиш мумкин (мавжуд модель учун 46,42% ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь модели учун 46,67%). Бу таклиф қилинаётган электр ёйли печь моделининг асосланганлигини яна бир марта тасдиқлайди. Кучланиш синусоидаллиги 3, 5, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 23 ва 25-тартиблар гармоник устама туфайли бузилади. 1-жадвалда мавжуд модель ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь моделлари ўртасида гармоник кучланиш солиштирилиши кўрсатилган. Мавжуд модель ва таклиф қилинаётган электр ёйли печь моделлари ўртасида кузатиладиган умумий гармоник бузилишлар, тааллуқли равишда, 46,42% ва 46,67%ни ташкил этади, бу умумий гармоник бузилишлар ГОСТ ИЕЕЕ 519-1992 стандартлари талабларини бузади.

Деярли барча гармоник тартибларда кузатиладиган гармоник бузилишлар (3-тартибдан 25-тартибгача) ИЕЕЕ 519-1992 стандартлари талабларига нисбатан кўпроқ. Энг юқори чегараси – индивидуал гармоник тартиб учун 3%.

Диссертациянинг “**Электр истеъмоли хусусиятини ва электр энергия сифатини баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи 130 кВт қувватли фотоэлектрик электр станциясининг экспериментал тадқиқотлари натижалари, шунингдек Юнусобод мавзеси савдо маркази юкланишлари келтирилган. Ҳар икки объект ўзгарувчан ток тармоғи гармоникалари манбалари ҳисобланади. «Malika-01» ўлчагичи ёрдамида амалга оширилган тармоқда несинусоидаллик билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили келтирилади.

Гармоникалар коэффициентлари қийматларини ҳисоблаб чиқиш ГОСТ 32144-2014 стандартига мувофиқ амалга оширилади:

$$K_{I(n)} = \frac{I_{(n)}}{I_1} \cdot 100, \quad K_{U(n)} = \frac{U_{(n)}}{U_1} \cdot 100, \quad (10)$$

бунда $I_{(n)}, U_{(n)}$ - ток ва асосий частота кучланишининг n гармоник таркиби амалдаги қийматлари. I_1, U_1 - ток ва асосий частота кучланишининг амалдаги қийматлари.

Ускуна 3 сония оралиқ вақт билан ҳар бир фаза бўйича ток ва кучланишнинг n гармоник таркиби (1-тартибдан 32-тартибгача) коэффициентлари қийматларини ўлчаш ва қайд этишга созланади. Ток ва кучланишнинг эгри чизиқлари синусоидаллиги бузилиш коэффициентларини ўлчаш ва қайд этиш 1 дақиқа оралиқ вақт билан амалга оширилган.

Токнинг барча гармоникалари умумий таъсирини ток эгри чизиғи синусоидаллиги бузилиш коэффициенти ёрдамида баҳолаш мумкин, у қуйидаги формула бўйича аниқланади (11):

$$K_I = \frac{\sqrt{\sum_{n=40}^{40} I_{(n)}^2}}{I_1} \cdot 100. \quad (11)$$

бунда $I_{(n)}$ – токнинг n гармоник таркиби амалдаги қийматлари; I_1 – асосий частота токиннинг амалдаги қиймати.

Ўлчагич бевосита ўлчовчининг ҳам, у билан бирга ишлаётган ходимнинг ҳам электр ҳимоясини таъминлайдиган пластмасса корпусда йиғилган ягона қурилма шаклида ишлаб чиқарилган (11-расм).



11-расм. “Malika-01” ўлчаш қурилмаси

Ичига ўрнатилган энергияга боғлиқ бўлмаган хотира олинган ўлчов натижалари маълумотларининг сўнгги 10 сутка мобайнида сақланишини таъминлайди. «Malika-01» ўлчагичидан маълумотларнинг компьютерга узатилиши SD-карталар воситасида амалга оширилади. Электр энергия сифат кўрсаткичларини ўлчаш бўйича олинган натижаларни таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун барча кўрсаткичларни акс эттирадиган «Case» дастури ишлаб чиқилган.

Электр тармоғини назорат қилиш ва таҳлил қилиш учун керакли тавсия қилинадиган электр энергия сифат кўрсаткичлари ўлчов диапазонлари ва ўлчаш воситалари хатоликлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Ўлчанадиган кўрсаткичлар рўйхати

| Пункт рақами | Ўлчанадиган катталик номи | Ўлчами | Ўлчов диапазони | Йўл қўйиладиган асосий хатолик доираси | |
|--------------|---|--------|--|--|------------------------------|
| | | | | Δ | $\delta, \%$ |
| 1 | Кучланишнинг эгри чизиғи синусоидаллигининг бузилиш коэффициенти K_U | % | 0,1...15 | $\pm 0,05$ $K_U < 1$ | $\pm 0,05$ $K_U \geq 1$ |
| 2 | Кучланишнинг n гармоник таркиби (2-тартибдан 40-тартибгача) коэффициенти $K_{U(n)}$ | % | 0...10 учун ($n < 16$) 0...5 учун ($n < 30$) 0...2 ($n \geq 30$) | $\pm 0,05$ $K_{U(n)} < 1$ | ± 5 $K_{U(n)} \geq 1$ |

Тадқиқот объекти сифатида 130 кВт қувватли Наманган фотоэлектрик станцияси (ФЭС) 216-сон трансформатор пункти (ТП) танланган.

12 а-расмда электр энергияни тақсимлаш ва Наманган ФЭСни улаш схемаси тақдим қилинган. ФЭС умумий кўриниши ва уланиш схемаси,


тааллуқли равишда, 12б ва в-расмда тасвирланган. Электр энергия турар-жой уйларига узатилади.




12-расм. (а) электр энергияни тақсимлаш ва 130 кВт қувватли Наманган ФЭСни улаш схемаси; (б) Наманган ФЭС умумий кўриниши ва (в) ўлчагични улаш схемаси

13-расмда Наманган ФЭС 216-сон ТП бир ой мобайнида актив ва реактив қувватларни ўлчаш осциллограммаси тақдим қилинган.

14-расмда суткалик қувватларни ўлчаш осциллограммаси тақдим қилинган.




13-расм. Актив ва реактив қувватларни ўлчаш осциллограммаси; Вт, ВАр




14-расм. Суткалик актив ва реактив қувватларни ўлчаш жадвали; Вт, ВАр

15-расмда кучланиш (а) ва ток (б) юқори гармоникаларини ўлчаш спектрлари тақдим қилинган.

Тақдим қилинган осциллограммли спектрлардан кўриш мумкинки, токнинг 5 ва 7-гармоникалари кўрсаткичлар қиймати норматив талаблардан 3-4 марта юқоридир. Ўлчовлар ва ҳисоб-китоб маълумотлари асосида кўриб чиқилаётган вақт даврида ушбу катталиқлар ўзгаришлари даврий диаграммалари тузилган.



а)




б)


15-расм. Кучланиш (а) ва ток (б) гармоникалари спектрлари

Экспериментал тадқиқотлар Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг асосий юкланиши совутгич ускуналари, светодиодли ёритиш тизимлари ва касса ускуналаридан иборат бўлган савдо марказида ҳам ўтказилди. Ўлчовлар натижалари тармоқда токнинг 3- ва 11-гармоникалари юқори даражаси мавжудлигини кўрсатди (16а-расм). 3- ва 11-гармоникалар эгри чизиқлари хусусияти ўзаро боғлиқлиги уларнинг ягона манбаидан далолат бериб, бу 16а-расмда аниқ кузатилади. Тунги вақтда гармоникалар даражалари иш вақтидагига нисбатан анча пастроқ. Тадқиқ қилинаётган юкланишнинг ўзига хос хусусияти ва спецификасини ҳисобга олган ҳолда, 3- ва 11-гармоникалар манбалари тўғрилагичлар билан таъминланган энергия тежамли ёритиш лампалари эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Кучланишнинг 3- ва 11-гармоникаларини кўриб чиқамиз (16б-расм). Иш вақтида кириш жойларида кучланиш оғиши максимал қийматга етади, бунда кучланишнинг 11-гармоникаси фоизи тунги вақтдагига нисбатан бироз кўпроқ бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, кундузги ёруғлик лампалари (ёритиш тизими) худди токнинг 11-гармоникаси каби кучланишнинг 11-гармоникаси манбалари ҳисобланади.



а)



б)

16-расм. Ток (а) ва кучланиш (б) гармоникалари

Кучланишнинг 3-гармоникаси эгри чизиғи кўпроқ ўзгармас хусусиятга эга, яъни кун вақтига камроқ боғлиқ. Тахмин қилиш мумкинки, вентиляция (иситиш) тизими кучланишнинг 3-гармоникаси манбаи ҳисобланади. Тунги соат 3-4 да бироз кучланиш кўтарилишлари кузатилади, бунга вентиляция (иситиш) тизимига юкланиш ошиши сабаб бўлиши мумкин, чунки бу вақтда кўчада (ёки хонада) ҳавонинг ўртача ҳарорати минимал бўлади. Ушбу гармониканинг ташқи электр тармоғидан кириш эҳтимоли ҳам истисно қилинмайди.

Тадқиқ қилинаётган электр тармоғида 3- ва 11-гармоникалардан ташқари бошқа тартиблардаги гармоникалар ҳам мавжуд.

ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси «Электр тармоқларида электр энергия сифатини бошқариш усуллари, бошқарув тизимлари алгоритмлари ва экспериментал текширувлар» мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим қилинган:

1. Фурье дискрет ва тез ўзгаришларни ҳисоблаб чиқиш усулларидан фойдаланилган ҳолда юқори гармоника таркиблари тартибини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган, натижада «Малика-01» улчагичи такомиллаштирилган;

2. Электр тармоғи қисмларидаги юқори гармоникалар таъсирида пайдо бўладиган кўшимча йўқотишларни баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган, савдо марказида уларнинг қиймати 2-3% лиги аниқланган, натижада савдо марказида кўшимча йўқотишлар бартараф этилган.

3. Фильтрлар қўлланган ҳолда электр энергия сифатини бошқариш усули ишлаб чиқилган. 5- ва 7-гармоникалар учун созланган пассив фильтр ва 11-гармоника учун созланган актив фильтр реактив қувват компенсациясини ва кучланиш ростланишини таъминлаш имконини беради.

4. «Malika-01» ўлчагичида электр тармоғи қисмларида ночизикли юкланиш ва йўқотишлар ҳисобга олинган ҳолда манбанинг реактив қуввати қийматини ҳисобга олувчи кўшимча блок ишлаб чиқилган, натижада юқори гармоникаларни ўлчаш ва таҳлил қилиш имкони пайдо бўлган.

5. Ўртача йиллик истеъмол қилинадиган 19 МВт қувватли юкланишнинг йиллик жадвали ҳисобга олинган ҳолда (ПС Юнусобод), токнинг юқори гармоникалардан йилига кутиладиган йўқотишлари (зарарлар) 314 960 кВтч ёки 72 000 000 сўмни (228,6 сўм тарифида) ташкил этади. Таклиф қилинаётган фильтрларни ўрнатиш ушбу зарарни бартараф қилади, бу амалий татбиқ қилиш орқали тасдиқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШАИСМАТОВ САЙФУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

**МЕТОДЫ, АЛГОРИТМЫ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ
ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ В ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЯХ**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.
Электротехнические комплексы и установки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/T923.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


| | |
|-------------------------------|---|
| Научный руководитель: | Аллаев Кахрамон Рахимович доктор технических наук, профессор, академик |
| Официальные оппоненты: | Гойбоб Тулкин Шерназарович доктор технических наук, профессор Сытдыков Рашид Абдурахманович доктор технических наук, профессор |
| Ведущая организация: | Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта |


Защита диссертации состоится «26» 12 2018 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». (Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - 69). (Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «14» 12 2018 года.
(протокол рассылки № «12» от «14» 12 2018 г.).




Р.А. Захидов
Заместитель председателя научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик


О.Х. Ишназаров
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.


М.И. Ибадуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мировой практике особое значение придаётся вопросам управления качеством электроэнергии и снижению потерь. В развитых странах мира «уровень гармонической составляющей по току третьей и пятой гармоник в некоторых случаях превышает 20%, что увеличивает потери в сетях. Наиболее высокий уровень высших гармоник характерен для нагрузок, где используется большое количество бытовых электронных приборов¹». В этом отношении в сфере энергетики пристальное внимание уделяется разработке новых методов управления качеством электроэнергии, в том числе уменьшению высших гармоник.

В мире большое внимание придаётся осуществлению научно-исследовательских работ, направленных на разработку методов исследования гармоник в распределительных электрических сетях, разработке методов расчета дополнительных потерь, возникающих под действием высших гармоник в элементах электрической сети, управлению качеством электроэнергии в электрических сетях, модернизации технических средств - активных и пассивных фильтров, модернизации устройств измерения показателей качества электроэнергии. В этой связи становится очевидным, необходимость создания дополнительного блока для измерителя «Малика-01», дающего возможность измерять высшие гармоники.

В республике особое внимание уделяется качественному развитию энергетики, являющейся одной из важнейших отраслей экономики. В этой связи при учете электроэнергии в электрических сетях были достигнуты определенные успехи, в том числе реализуется эффективная автоматизированная система контроля и учета электроэнергии (АСКУЭ). Вместе с этим уделяется особое внимание устройствам повышения качества и снижения потерь электроэнергии в электрических сетях. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах среди основных задач отмечены «... улучшение обеспечения населения электрической энергией на основе строительства новых и модернизации действующих электрогенерирующих мощностей, обновление низковольтных электрических сетей и трансформаторных пунктов, а также реализация мер по улучшению обеспечения населения другими топливно-энергетическими ресурсами и расширение использования возобновляемых источников энергии»². Выполнение этих задач, в том числе создание устройств измерения и устранения высших гармоник напряжения и токов в распределительных электрических сетях является важным.

Данное диссертационное исследование в соответствующей степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹ De Lima Tostes M., Bezerra U., Silva R. Impacts over distribution grid from the adoption of distributed harmonic filters on low-voltage customers // IEEE transactions on Power delivery. – 2005. – Vol. 20. – No. 1. – P. 384–389.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента №ПП-2661 от 23 ноября 2016 года «О Программе по дальнейшей модернизации и обновлению низковольтных электрических сетей на период 2017-2021 годы», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №294 от 13 декабря 2010 года «О программе модернизации и обновления низковольтных электрических сетей на 2011-2015 годы», а также в других нормативно-правовых документах этой сферы.

